Taqiqot.uz

# YANGI O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ

2023

DAVRIYLIGI: 2018-2023



RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMIY KONFERENSIYA

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | CONFERENCES |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJIY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

## D.I. MENDELEEVNING KIMYOVIY ELEMENTLAR DAVRIY JADVALI




TOSHKENT SHAHAR, AMIR TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ

FEVRAL
№49

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 7-ҚИСМ

# НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН: ИННОВАЦИИ, НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ ЧАСТЬ-7

# NEW UZBEKISTAN: INNOVATION, SCIENCE AND EDUCATION PART-7

ТОШКЕНТ-2023

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]**

**“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим”** мавзусидаги республика 49-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 29 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Проф. Хамидов Мухаммадхон Хӑмидович «ТИИМСХ»

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

**1. Абдурахманова Мадина Улугбековна**
РУС ТИЛИДА “КОСОГЛАЗИЕ” АТАМАСИНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ .................... 7
**2. Абдурахманова Мадина Улугбековна**
ЎЗБЕК ТИЛИДА ҒИЛАЙЛИК АТАМАСИНИНГ КЎЧМА МАЪНОДА ҚЎЛЛАНИШИ ........................................................ 8
**3. Жолымбетов Қәллибек Бердимурат улы**
ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛ БИЛИМИНДЕ ТАҢЛАҚЛАРДЫҢ ИЗЕРТЛЕНИЎИ.......................... 9
**4. Fayzullayeva Yulduzxon Xayrulla qizi**
STRATEGIES AND RESOURCES OF INTENSIVE AND EXTENSIVE READING .......... 11
**5. A.Primov, N.Safiyazova**
TOHIR MALIKNING FRAZEOLOGIZMLARDAN FOYDALANISH MAHORATI............. 13
**6. Zuxriddinova Maftuna Sirojiddin qizi**
TARJIMASHUNOSLIKDA MADANIYATLAR TO’QNASHUVI VA MUQOBIL TARJIMA USULLARI ........................................................ 15
**7. Узақбергенов Саламат Парахатович**
«ЖӘҲАНША» ДӘСТАНЫНЫҢ ТИЛ ӨЗГЕШЕЛИГИН ҮЙРЕНИЎ ЗӘРҮРЛИГИ ......... 17
**8. Кадирова Адиба Рахмановна**
ОБУЧЕНИЕ В СОТРУДНИЧЕСТВЕ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА ........................ 19
**9. Раззакова Гулчехра Рустамовна**
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННО –КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ ........................................ 21
**10. Наширова Шахноза Буриевна**
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИККИ ТИЛЛИ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАР ........................................................ 23
**11. Тўраева Дилбар Мейлиевна**
ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА АНТРОПЕЦЕНТРИК ЁНДОШУВ ......................... 25
**12. Ахроров Ивадулла Зиятович**
ҚУРЪОНИ КАРИМДА كَمْ (ҚАНЧА?) ЛАФЗИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ............................. 27

# ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

## РУС ТИЛИДА “КОСОГЛАЗИЕ” АТАМАСИНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

**Абдурахманова Мадина Улугбековна**
АДТИ Ўзбек тили ва адабиёти тиллар
кафедраси катта ўқитувчиси
Телефон:+998979977300
lady.abdurahmanova@bk.ru

**АННОТАЦИЯ:** Маълумки, касаллик номлари одатда, халқаро бўлади ва улар таржимасиз ишлатилади. Ушбу мақолада “косоглазие” (ғилайлик) касаллигининг рус тилидаги илмий номи ва унинг қандай белгилар билан намоён бўлишини қисқача таърифлаб, рус тилида кўчма маънода ишлатилиш ҳолатлари семантик таҳлил ўтказиш орқали аниқланган.
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** косой, косоглазие, ғилайлик, ғилай, кўз, касаллик, қорачиқнинг қийшайиши, кўрув фаолиятининг пастлаши, ҳайрат, страбизм.

*Косоглазие (strabismus) – отклонение зрительной оси одного из глаз от совместной точки фиксации. При продолжительном косоглазии происходит обратимое понижение зрения.*

Ушбу касаллик ҳақидаги тиббий таърифни таҳлил қилиб, шуни аниқладикки бу касалликка чалинган беморда кўз қорачиғи қийшайиши кузатилади. Беморнинг кўриш фаолиятида қийинчиликлар пайдо бўлиши ҳақида гапирилган (*При продолжительном косоглазии происходит обратимое понижение зрения*).

Ғилайлик касаллиги кўчма маънода ишлатилиш аниқлаш учун, косоглазие атамасини қуйидаги семаларга ажратдик: 1) кўз касаллиги; 2) қорачиқнинг қийшайиши; 3) кўрув фаолиятининг пастлаши; 4) нохуш(ёмон)лик; 5) ҳайрат.

Семаларни аниқлаб олгач рус тили миллий корпусидаги матнларни таҳлил қиламиз:

1- мисол. *Даже в наступавших грозовых сумерках видно было, как исчезало её временное ведьмино косоглазие и жестокость и буйность черт.*

Ушбу мисолда “*ведьмино косоглазие*” (ялмоғизнинг ғилайлиги) деб воқеликда салбийлик, вахшийлик ялмоғизларга хос бўлган ёмонликлар назарда тутилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу мисолда қорачиқнинг қийшайиши семаси юзага чиқиб қолганлигини аниқладик.

2- мисол. *(Рюмка перед алкашом бездействовала. Как внезапно развившееся его косоглазие.)*

Ушбу “*Как внезапно развившееся его косоглазие*” жумлада кашанда одамнинг тўсатдан кўзининг олазараклиги йўқолганлигига ишора қилинмоқда. Бу гапда қорачиқнинг қийшайиши семаси юзага чиқмоқда деган хулосага келдик.

3- мисол. *С 4-го по 8-е число можно будет на одном пространстве обозреть все книжные богатства России. Как бы в косоглазие не впасть!*

Ушбу гапда “*Как бы в косоглазие не впасть*” кутилаётган тадбирдаги китобларнинг жуда кўплигидан кўзлар ҳар томонга қарашлиги ҳақида фикр юриталаётганлигини кўриб турибмиз. Ушбу мисолда ҳам қорачиқнинг қийшайиши семаси юзага чиқиб қолган семалар хиралашмоқда.

Таҳлилларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, рус тилида косоглазие атамаси орқали бирор воқеликка нисбатан ҳайратланиш муносабати, кўзни ҳар хил томонга олазарак қилиб қаратиш ва салбий тушунчаларни кучайтириш маъноси изоҳланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдурахмановам М.У. “Қилтомоқ” атамасининг ўзбек тилида кўчма маънода қўлланиши // НамДУ Илмий ахборотномаси, № 10. – Н., 2022. – Б. 355-359
2. https://processing.ruscorpora.ru/

# ЎЗБЕК ТИЛИДА ҒИЛАЙЛИК АТАМАСИНИНГ КЎЧМА МАЪНОДА ҚЎЛЛАНИШИ

**Абдурахманова Мадина Улугбековна**
АДТИ Ўзбек тили ва адабиёти тиллар
кафедраси катта ўқитувчиси
Телефон:+998979977300
lady.abdurahmanova@bk.ru

**АННОТАЦИЯ:** Маълумки, касаллик номлари одатда, халқаро бўлади ва улар таржимасиз ишлатилади. Ушбу мақолада "ғилайлик" касаллигининг илмий номи ва унинг қандай белгилар билан намоён бўлишини қисқача таърифлаб, ўзбек тилида кўчма маънода ишлатилишини, кўчма маънода ишлатилаётганда асл касаллик ҳолатига яқинлик бор ёки йўқлигини, қайси сабабларга кўра муайян ҳолатларда айнан ғилай атамаси қўлланилишини тадқиқ қилинади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** ғилайлик, ғилай, кўз, касаллик, қорачиқнинг қийшайиши, кўрув фаолиятининг пастлаши, ҳайрат, страбизм.

*Ғилайлик, страбизм – кўз соққсининг қийшиқ ўрнашуви. Бунда бир кўз қорачиғи кўрилаётган нарсага қараган, иккинчиси эса ўша нарсадан бурун ёки чакка томонга оғган бўлган.*

Ушбу касаллик ҳақидаги таърифни таҳлил қилиб, шуни аниқладикки бу касалликка чалинган беморда кўз қорачиғи қийшайиши кузатилади. Беморнинг кўриш фаолиятида қийинчиликлар пайдо бўлиши ҳақида гапирилган.

Ғилайлик касаллиги ўзбек тилида кўчма маънода ишлатилиш ҳолатларини аниқлаш, аввало, унда мавжуд семаларни аниқлашни талаб этади. Ғилайлик атамасини қуйидаги семаларга ажратдик: 1) кўз касаллиги; 2) қорачиқнинг қийшайиши; 3) кўрув фаолиятининг пастлаши; 4) нохуш(ёмон)лик; 5) ҳайрат.

Ғилайлик (ғилай) атамасининг семаларини аниқлаб олгач, газеталарда, ҳикояларда ва бошқа матнлардан кўчма маъноларини аниқлаб, тадқиқ қиламиз.

1- мисол. *Ха- ха- ха! – Чақмоқ берилиб кулар экан, сўзида мақтанганнамо давом этди,- лекин-чи, официантлар ҳам мен еяётган таомни кўриб кўзлари ғилай бўлиб қолди.*

Ушбу жумлада "*кўзлари ғилай бўлиб қолди*" деб ҳайратланишдан кўзлари қийшайиб қолганлигини кўриш мумкин. Демак, қорачиқнинг қийшайиши семаси юзага чиқмоқда.

2- мисол. *– Кўзинг кўрми? Нега оёғимни босасан? – дея бақирарди Қурбонжон ёлғондан.*
*– Ўзингнинг-чи? Ғилаймисан, мен босмадим-ку? – дерди Шаҳло ҳам пўписа қилиб.*

Ушбу мисолдаги "*Ғилаймисан, мен босмадим-ку*" ибораси орқали кўзинг яхши кўрмайдими деган маъно назарда тутилмоқда. Кўрув фаолиятининг пастлаши семаси юзага чиқиб, қолган семалар хиралашмоқда.

3- мисол. "*Yozilganu nimaligi g'ilaymisan?"*

Ушбу гапни чат гуруҳидан олдик. Эътибор берилса, "*g'ilaymisan*" риторик сўроқ гапи шахсни масхара қилиш ёки камситиш учун эмас, балки воқеликка нисбатан танқидий баҳо муносабати, эътирозини кучайтириш мақсадида ишлатилган ва тўртинчи сема ёрқинлашганлигини кўриб турибмиз.

Таҳлилларимиз натижаси шуни кўратмоқдаки, ўзбек тилида ғилай атамаси орқали бирор воқеликка нисбатан танқидий баҳо муносабати, эътирозини кучайтириш маъноси изоҳланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Абдурахмановам М.У. "Қилтомоқ" атамасининг ўзбек тилида кўчма маънода қўлланиши // НамДУ Илмий ахборотномаси, № 10. – Н., 2022. – Б. 355-359
2. Тўрақулов Ё. ва б. Тиббиёт қомусий луғати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – 288 б. – Б. 272.

# ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛ БИЛИМИНДЕ ТАҢЛАҚЛАРДЫҢ ИЗЕРТЛЕНИУЙИ

**Жолымбетов Қәллибек Бердимурат улы**
Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты
2-курс магистранты
Телефон: +998(94)4515703
qallibek4@gmail.com

**АННОТАЦИЯ:** Ҳәзирги күнде таңлақ сөзлер рус ҳәм түркий тил билиминде ҳәр тәреплеме изертлеп үйренилген. Бул мақалада қарақалпақ тилинде таңлақ сөзлердиң өзине тән белгилерине қарай илимпазлар тәрепинен үйренилиў жағдайлары анализ етилген.

**ГИЛТ СӨЗЛЕР:** таңлақ сөзлер, еликлеўиш сөзлер, интонация, эмоция, морфологиялық белги, грамматикалық мәни

Адамлар арасындағы тил ең әҳмийетли қатнас қуралы, оның лексикалық қурамының тийкары сөз болып есапланады. Сөздиң лексикалық мәнилериниң қолланыў өзгешеликлери, оларға илимий ҳәм әмелий көзқарастан баҳа бериў – лингвистиканың алдында турған тийкарғы ўазыйпалардың бири. Себеби, тил ҳәмме ўақыт раўажланып баратуғын қубылыс. Бул жағдай тилдеги сөз ҳәм оның мәнисине де тәсир етери сөзсиз.

Сөзлердиң лексикалық ҳәм грамматикалық хызметлери бирдей емес, бир топар сөзлер жеке қолланылып мәни аңлата алса, екинши биреўлери гәптиң бөleклерин байланыстырады, ал тағы бир сөзлер болса сөйлеўшиниң (адамның) түрли ишки сезим-туйғыларын, эмоциялық жағдайларын билдириў ушын жумсалады. Тил билиминде бундай сөзлер топары *таңлақ сөзлер* деп аталады.

Таңлақ сөзлер қарақалпақ тилинде оның морфология тараўында грамматикалық тәбияты менен өзгешеленетуғын сөз шақабы. Бул сөз шақабы өз алдына ҳәм мәнили, ҳәм көмекшилик хызметти атқарғаны менен мәнили сөз шақапларынан да, көмекши сөз шақапларынан да грамматикалық ҳәм мәнилик жақтан парықланады. Таңлақ сөзлер қарақалпақ тил билиминде басқа сөз шақапларына салыстырғанда оғада аз изертленген.

Қарақалпақ тилинде таңлақлардың арнаўлы сөз шақабы екенлигин, оның мәнилик жақтан бөлиниўин дәслепки рет Н.А.Баскаков «Каракалпакский язык» деп аталған мийнетинде сөз етеди [1:235-237]. Илимпаз таңлақлардың мәнилик ҳәм грамматикалық өзгешеликлерин айтса да, оларды еликлеўишлерге қосып қарайды. Таңлақ эмоцияны, еликлеўиш сес ямаса көринистиң атамасын билдиретуғын тәреплерин ғана бөлек-бөлек атап өтеди.

А.Қыдырбаев «Ҳәзирги қарақалпақ тилиндеги атлық сөзлер» деген китабында таңлақ ҳәм еликлеўиш сөзлерди бир сөз шақабы деп есаплаған [7:8-69]. К.Бердимуратов ҳәм А.Есемуратовтың авторлығында 1968-жыл шыққан “Қарақалпақ тили” мектеп сабақлығында таңлақ сөзлер еликлеўишлердиң қурамына киргизилиген [4:168].

У.Ембергеновтың изертлеўлеринде де таңлақ сөзлер қарастырылған. Ол таңлақлар менен еликлеўишлердиң өзлерине тән айырмашылық тәреплерин көрсетип өткен [6:35].

Таңлақлардың стильлик хызметлери, яғный сөйлеў ўақтында интонацияға байланыслы ҳәр қыйлы стильлик хызметлерде келиўи, дара таңлақларға қарағанда жуп ҳәм тәкирар таңлақларда эмоцияның күшли болатуғыны А.Бекбергеновтың «Қарақалпақ тилиниң стилистикасы» китабында айтылған [2]. Оның «Рус ҳәм қарақалпақ тиллериниң салыстырмалы грамматикасы» деп аталған мийнетинде таңлақлар ҳаққында былай делинген: «Таңлақлар еки тилде де сөйлеўшиниң ҳәр қыйлы сезимлерине байланыслы айтылатуғын сөзлер, бирақ олар бундай сезимлерди атап көрсетпейди» [3:35].

Рус ҳәм қарақалпақ тиллеринде таңлақлардың морфологиялық белгилери Н.А.Урумбаев, А.Умаровтың изертлеўлеринде сөз етилген. Н.А.Урумбаев рус ҳәм қарақалпақ тиллери морфологиясы бойынша оқыў қолланбасында таңлақлардың дөренди фейиллерден жасалыў мүмкиншиликлерин үйренген [10:47]. А.Умаров өзиниң мийнетлеринде рус ҳәм қарақалпақ тиллеринде сораў гәплерди пайда етиўде таңлақлардың сезимлик интонациясы, тәбиятын анықлап берген [9:24-25].

Булардан басқа, қарақалпақ тилиндеги таңлақлар, олардың өзине тән белгилери ҳаққында бир қатар илимий әдебиятлар, мысалы, 1981-жылы [10], 1994-жылы [11], 2010-жылы [12] жәрияланған грамматика (морфология, синтаксис) бойынша жәрияланған қолланба

мийнетлерде сөз етилген.

Соңғы ўақытлары қарақалпақ тилиниң грамматикасына арналып орынланған мийнетлерде таңлақ сөзлерди өз алдына сөз шақабы сыпатында қараў, оның өзине тән өзгешеликлери үйрениў мәселеси сөз етиле баслады. Қарақалпақ тил билиминде таңлақларды монографиялық жобада изертлеген А.Темирбекова болды. Ол 2022-жылы «Қарақалпақ тилиндеги таңлақлар (фонетикалық-морфологиялық, семантика-стилистикалық таллаў)» деген тема диссертация қорғады [7]. Оның бул изертлеўинде қарақалпақ тилинде таңлақ сөзлердиң басқа сөз шақапларынан айырмашылығы, сеслик қурамы, морфологиялық ҳәм фонетикалық дүзилиси, соның менен бирге семантика-стилистикалық айырмашылықлары үйренилген. Таңлақлар бойынша жаңа пикирлер берилген.

Биз қарақалпақ тил билиминде таңлақ сөзлердиң изертлениўи бойынша орынланған илимий изертлеўлерди анализ еттик. Алдағы ўақытлары таңлақ сөзлердиң изертлеўин күтип турған мәселелери бар деп ойлаймыз. Таңлақлардың аўызеки сөйлеў тилинде түрлише бояўларда келиўи, көркем шығармалар тилинде стильлик мақсетлерде жумсалыўы, қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзликлеринде бериліў өзгешеликлери сыяқлы мәселелер солардың қатарына киреди.

**Пайдаланылған әдебиятлар**


1. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология. Часть первая (части речи и словообразования). – М.: 1952.
2. Бекбергенов А. Қарақалпақ тилиниң стилистикасы. – Нөкис: 1990.
3. Бекбергенов А. Рус ҳәм қарақалпақ тиллериниң салыстырмалы грамматикасы. – Нөкис: 1995.
4. Бердимуратов К., Есемуратов А. Қарақалпақ тили. I бөлим. Фонетика, лексика ҳәм морфология. – Нөкис: 1968.
5. Ембергенов У. Ҳәзирги қарақалпақ тилиндеги еликлеўиш сөзлер. – Нөкис: 1995.
6. Қыдырбаев А. Қарақалпақ тилинде атлық сөзлер. – Нөкис: 1961.
7. Темирбекова А.О. Қарақалпақ тилиндеги таңлақлар (фонетикалық-морфологиялық, семантика-стилистикалық таллаў). Филол. илим. филос. докт.(PhD) … дисс.автореф. Нөкис, 2022.
8. Умаров А. Сопоставительная грамматика русского и каракалпакского языков (синтаксис). – Нукус: 1992.
9. Урумбаев Н.А. Краткий курс сопоставительной морфологии русского и каракалпакского языков. – Нукус, 1991.
10. Ҳәзирги қарақалпақ тили (Морфология), Нөкис, Қарақалпақстан, 1981.
11. Ҳәзирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. Нөкис, Билим, 1994.
12. Ҳәзирги қарақалпақ әдебий тили. Нөкис, Билим, 2010.

# STRATEGIES AND RESOURCES OF INTENSIVE AND EXTENSIVE READING

**Fayzullayeva Yulduzxon Xayrulla qizi**
Toshkent Shahar Yuridik Texnikumi
"Yuristlar uchun ingliz " fani o'qituvchisi
+998993859861
fayzullayevayulduz2@gmail.com

**Annotation**: Reading is the process of taking in the sense or meaning of letters, symbols, etc., especially by sight or touch. For educators and researchers, reading is a multifaceted process involving such areas as word recognition, orthography (spelling), alphabetics, phonics, phonemic awareness, vocabulary, comprehension, fluency, and motivation. Reading extensively means reading as many texts as possible, typically more than most students would normally do in an intensive reading approach, which focuses on full comprehension.

**Key words:** intensive reading , extensive reading , reading experience , comprehensibility interest , planning , implementing , reflecting .

Intensive reading and extensive reading (ER) are two activities that have distinct purposes and require different instructional setups. Whereas intensive reading focuses on reading skills that enable students to deconstruct text in order to find the main idea, supporting details, and discrete information, ER allows students to read for pleasure with minimal mental effort. The ultimate goal of ER is for students to read for enjoyment as many texts as possible in the second/foreign language. To achieve this goal, the readings must be enjoyable and easy to read. As a consequence of ER, students build reading speed and fluency and get exposed to contextualized vocabulary and grammar. Nonetheless, achieving a balanced reading experience by incorporating opportunities for both intensive reading and ER in the curriculum can be a challenge. Because more attention is typically given to intensive reading in reading instruction, ER is often compromised. Given the great gains and rewards of ER, how can this type of reading be systematically incorporated in reading instruction? In this article, the authors present practical strategies and resources for a more systematic integration of ER based on the principles of extensive reading (Day & Bamford, 2002).[1] . Reading extensively means reading as many texts as possible, typically more "than most students would normally do in an intensive reading approach," which focuses on "full comprehension" (Robb, 2018 )[2] . Intensive reading and ER are different in nature; nonetheless, they are equally important and complement one another (Renandya, 2007). Intensive reading is crucial for developing reading skills that enable students to achieve purposeful reading and gain information accurately from texts. ER, on the other hand, is the gateway to getting students into the habit of reading, which develops reading fluency as a result. A teacher's role in ER is to nurture this practice by providing access to a variety of easy and interesting reading materials. Exposure to easy and interesting input is an important basis for language development derived from Krashen's (1981, 2008) concept of comprehensible input. Krashen (2009) underscores that a large body of research in first and second language development has proven that "engaging in a great deal of interesting (better yet, compelling), comprehensible reading" is the "only method of improving reading ability" [3]

Findings from empirical research in English as a foreign or second language (EFL/ESL) contexts have consistently demonstrated that ER has positive effects on students' reading speed and fluency (Huffman, 2014; Masrai & Milton, 2018; Nutalak, 2019; Suk, 2017), reading comprehension (Al Zeidi & Al Quraini, 2019; Al-Homoud & Schmitt, 2009; Suk, 2017), reading motivation and attitude (Jang,

Kang, & Kim, 2015; Karlin & Romanko, 2010; Suk, 2018), vocabulary acquisition (Al-Homoud & Schmitt, 2009; Alsaif & Masrai, 2019; Chang & Hu, 2018; Liu & Zhang, 2018; Masrai & Milton, 2018; Suk, 2017), and critical thinking (Eftekhary & Kalayeh, 2014; Husna, 2019) . Davis (1995) argues that students will have a poor learning environment if ER is not part of the English language classroom. To guide the planning of such a valuable reading experience, Day and Bamford (2002) set forth 10 principles for teaching ER:

1. The reading material is easy.
2. A variety of reading material on a wide range of topics must be available.

3. Learners choose what they want to read.
4. Learners read as much as possible.
5. The purpose of reading is usually related to pleasure, information, and general understanding.
6. Reading is its own reward.
7. Reading speed is usually faster rather than slower.
8. Reading is individual and silent.
9. Teachers orient and guide their students.
10. The teacher is a role model of a reader.

**References**

1.Davis, C. (1995). Extensive reading: An expensive extravagance? *ELT Journal*, *49*, 329–336.
2.Day, R., & Bamford, J. (1998). *Extensive reading in the second language classroom*. New York, NY: Cambridge University Press
3.Robb, T. (2015). Quizzes—A sin against the sixth commandment? In defense of MReader. *Reading in a Foreign Language*, *27*(1), 146–151.
4.Robb, T. (2018). An introduction to online sites for extensive reading.
5.Krashen, S. (2009). Anything but reading. *Knowledge Quest*, *37*(5), 18.
6.Krashen, S. (2008). The comprehension hypothesis extended. In T. Piske, & M. Young-Scholten (Eds.)

# TOHIR MALIKNING FRAZEOLOGIZMLARDAN FOYDALANISH MAHORATI

**A.Primov,**
UrDU O‘zbek tilshunosligi
kafedrasi dotsenti.
**N.Safiyazova,**
UrDU magistranti

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada yozuvchi Tohir Malikning o‘z asarlarida frazeologizmlardan foydalanishi va ularning ma’noviy qirralari haqida tahlillar yoritilgan. Shuningdek, maqolada mazkur masala yuzasidan muallif tomonidan shakllantirilgan ilmiy izlanishlar o‘z ifodasini topgan.
**Kalit so’zlar**: Frazeologizmlar, ibora, uslubiy bo‘yoq, barqaror munosabat, maqol, konnotatsiya, semantik-stilistik metod.

Ma’lumki, tildagi barcha elementlar nominativ-mantiqiy ma’no bilan birga uslubiy bo‘yoqdorlikka ham ega.Ular o‘ziga xos ,,ekspressiv atmosfera bilan o‘ralgan’’ (V.V.Vinogradov) bo‘ladi. Bu holat tilshunoslikda hozirga qadar turli xil nomlanib kelmoqda. Til elementlariga ironiya, tantanavorlik, hazil-mutoyiba, ishonmaslik, shubha kabi uslubiy nozikliklarni yuklovchi hodisani nomlashda olimlar ,,uslubiy bo‘yoq’’, ,,uslubiy tonallik’’, ,,konnotatsiya’’ atamalaridan foydalanmoqdalar. Birgina ,,konnotatsiya’’ atamasining o‘zi ham tilshunoslikda har xil ta’riflanayotir. Jumladan, O.S.Axmanova, N.M.Shanskiy, M.Tikotskiy kabi olimlar konnotativ element asosiy ma’noga qo‘shimcha tarzda yuklanadi, shunga ko‘ra, u til birliklarining semantik strukturasiga kirmaydi, deb hisoblaydilar.

A.V.Kunin, S.G.Gavrin, A.M.Melerovich singari boshqa bir guruh frazeolog olimlar esa konnotatsiyani leksik yoki frazeologik ma’noning tarkibiy qismi sifatida izohlaydilar. E.S.Aznaurova esa konotatsiyani obyektiv til hodisasi deb qarash tarafdori sifatida ko‘rinadi.

E.Qilichev esa konotativ ma’no so‘z semantikasidan denotative ma’no ajratilgandan keyin hosil bo‘ladigan ayirmaga teng, deb hisoblaydi.

Frazemalarning emotsional-ekspressiv bo‘yoqdorligini aniqlashning eng muhim yo‘li ularni semantik-stilistik va kontekstual metodlar asosida sinchiklab o‘rganish, kontekstdagi ma’no qirralarini belgilashdir. Ammo ,,O‘zbek tilining izohli lug‘ati’’da, prof. SH.Rahmatullayevning ,,O‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati’’(1978), ,,O‘zbek tilining frazeologik lug‘ati’’(1992), M.Sodiqovaning ,,Qisqacha o‘zbekcha-ruscha frazeologik lug‘at’’(1989) kabi asarlarida frazemalarning ma’no doirasini aniqlash jarayonida unda qo’shimcha uslubiy baho momentlari borligi ko‘pincha hisobga olinmaydi. Masalan, ,,ko‘zi to‘rt bo‘ldi’’ iborasini olib qaraylik. Bu frazeologik birlik ,,Izohli lug‘at’’da ,,nihoyatda intizorlik bilan kutdi’’ ma’nosiga ega ekanligi qayd qilingan. Sh.Rahmatullayev lug‘atida esa bu frazeologik birlikning ,,ko‘zlari to‘rt bo‘ldi’’, ,,ko‘zi to‘rt bo‘lib’’, ,,ikki ko‘zi to‘rt bo‘lib’’, ,,to‘rt ko‘z bo‘lib’’variantlariga ega ekanligi qayd qilingan hamda ,,intizor bo‘lmoq’’ma’nosini ifodalash ta’kidlangan.

Tohir Malikning individual uslubini o‘rganish birinchi navbatda uning so‘z tanlash, so‘z qo‘llash yo‘sini tilning keng ma’nodagi sinonimik vositalari boyligidan qaysilarini saralashida, bu vositalarni nutq zanjirida qanday joylashtirishida namoyon bo‘ladi. Yozuvchining individual uslubi, shu bilan bir qatorda, til vositalaridan ijodiy foydalanishda namoyon bo‘ladi.

Yozuvchining til vositalaridan ijodiy-individual foydalanishini o‘rganish faqat nazariy jihatdangina emas, balki amaliy jihatdan ham katta ahamiyatga egadir. Yozuvchining tildan ijodiy foydalanishini o‘rganish, bir tomondan, uning individual uslubini, badiiy mahoratini chuqurroq tushunishga imkon bersa, ikkinchi tomondan, adabiy til taraqqiyotining ko‘pgina nazariy masalalarini hal etishga yordam beradi.

Frazeologik iboralardan ijodiy-individual foydalanishning keng tarqalgan usullaridan biri ibora asosida kontekst yaratish usulidir. Bunday qo‘llashda frazeologik ibora nutqda yaxlit til birligi sifatida ishtirok etmaydi. Yozuvchi iboraning umumiy mazmuni yoki uning zamiridagi obraz yoki uning modeli yangi kontekst uchun asos qilib olinadi. Tohir Malik o’z asarini yozish jarayonida qahramonlar tabiatini, psixologiyasini tasvirlash uchun iboralardan juda ko‘p va o‘rinli foydalanganligining guvohi bo‘ldik. Har bir yozuvchining frazeologizmlardan foydalanish uslubi va yo‘nalishlari bo‘ladi. Tohir Malikning «Shaytanat», «Alvido bolalik», «Jinoyatning uzun yo‘li» va shu kabi asarlarida qo‘llangan frazeologik birliklarni to‘plab o‘rganish orqali

yozuvchining o‘ziga xos uslubi va yo‘lini tahlil qilishga harakat qildik.

Yozuvchi tilini tishlab qolmoq, tilga olmoq umuman gapirmaslik ma’nolarida qo‘llanuvchi iboralardan bir qanchasidan o‘z asarida o‘rinli foydalangan.

***Tillari tish xatlamas***-iborasi *gapirmaslik, kamgaplik* kabi belgilarni ifodalashda ishlatiladi.

Yozuvchi obrazlar xarakterini ochishda bunday iboralardan juda mahorat bilan foydalanganlar.

Balki tergovda ochilmay qolgan sirlarini boy berib qo‘ymaslik uchun *tillari tish xatlamas?*(Alvido bolalik,5-bet.)

***Nazarini qadab turmoq***- fe’l frazemasi *qaramoq* ma’nosini beradi.

Orqada sharpa sezib, sapchib tushdi. Qarasa-onasi. Sinchkov *nazarini qadab turibdi*. (Alvido bolalik,11-bet)

***Ko‘zini olib qochmoq***-iborasi *qaramaslik, qaray olmaslik* ma’nosiga teng. Bu asarda shunday ifodalangan.

Asror onasidan *ko‘zini olib qochdi*, keyin yutunib: —Uyqum kelyapti,-dedi. (Alvido bolalik,12-bet.)

***Suyagi buzuq***—belgi ifodalovchi ibora *nomussiz, nasl-nasabi buzuq* kabi salbiy ma’no ifodalaydi.

*Suyagi buzuq*, ko‘zi g‘ilay bo‘lsa ham, shu yigit Asrorga istarali ko‘rinadi. (Alvido bolalik,13-bet.)

Xulosa o‘rnida shuni alohida ta’kidlash lozimki, bu til hodisalari badiiy matnda alohida ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun ham barcha mavzular bo‘yicha berilgan matnlar ustida ishlash jarayonida ularni aniqlash, tahlil qilish va izohlash talab etiladigan mashqlarga e’tibor bilan qarash maqsadga muvofiq.

**Adabiyotlar**


1. Sh. Rahmatullayev. “O’zbek tilining frazeologik lug’ati”. T.: “O’qituvchi”. 1978. –B.222.
2. O‘zbek tili va adabiyoti. Toshkent:2022.N.3.
3. I.Q.Qo‘chqortoyev. Badiiy nutq stilistikasi. -Toshkent:1975.-B.65.
4. T.Malik. „Alvido bolalik”qissasi.Toshkent: 2021.-B.9.

# TARJIMASHUNOSLIKDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVI VA MUQOBIL TARJIMA USULLARI

**Zuxriddinova Maftuna Sirojiddin qizi**
Andijon Davlat Chet tillari instituti
2-bosqich magistranti
Telefon: +998937846808
zukhriddinovamaftuna@gmail.com

**Annotatsiya:** Madaniyatga oid so'zlarni tarjima qilish doim ham tarjimonlarga muammo tug'dirib kelgan. Tarjima jarayonida til strukturasidan tashqari, madaniyatlar o'rtasidagi farqlarni ham e'tiborga olish va ular o'rtasidagi mutanosiblikni ta'minlash tarjima qilinayotgan asar sifatini belgilab beradi. Shuni inobatga olgan holda, Eugene A.Nida (1964) quyidagi fikrlarni bildirib o'tgan: "Tarjimonga madaniyatlar o'rtasidagi farq til strukturalari o'rtasidagi farqlardan ko'ra jiddiyroq murakkabliklarni keltirib chiqaradi". Bunday murakkabliklarning sababi turli xil yashash tarzi, turli diniy qarashlar va urf-odatlar bo'lishi mumkin. Ushbu maqola madaniyatga oid so'zlarni tarjimasiga oid bir nechta yo'llarni taklif qiladi, shuningdek ularning kutilgan natijalari va muammolar borasida ham fikr yuritadi.

**Kalit so'zlar:** tarjima, madaniyatga oid so'zlar, ekzotikatsiya, domestikatsiya.

Yozuvning paydo bo'lishi, sanoatlashtirishning jadallashuvi, bir millatning boshqa bir millat adabiyoti bilan tanishish istagi tarjimaga muhtojlikni keltirib chiqardi. Ammo, tillarda shunday til birliklari va kombinatsiyalar borki, ular tarjima jarayonini murakkab hodisaga aylantiradi. Bular aynan madaniyatga oid so'zlar, tabu, sleng, idiomalardir. Shu sababli ham ushbu muammo tarjimashunoslikning kundalik masalasiga aylangan va uning munosib yechimi tarjimashunoslik nazarasi, amaliyoti, tarjima tarixi, buguni va kelajagi, tanqidiy tarjimashunoslikning rivojlanishiga qo'yilgan fundamental qadam bo'lar edi. Deyarli barcha tarjimashunoslar tarjima jarayonini manba hisoblangan til(L1)dagi tekstni ko'zlangan til(L2)dagi ayni variantiga o'girish ekanligini tog'ri deb hisoblashadi (Larson 1984). Ammo Miremadi (2003)ning fikrlariga e'tibor beradigan bo'lsak, u tarjima qilingan tekst o'quvchining tushunchalariga ham muvofiq bo'lishi kerak deb hisoblaydi.

Nemis tarjima nazariyotchisi Schleiermacher (1997) tarjimon uchun ikki yo'l mavjud ekanligini aytib o'tgan edi. Birinchisi, tarjimon yozuvchini kamroq "bezovta qiladi" va o'quvchiga ko'proq yon bosadi; ikkinchisi bo'lsa, o'quvchiga kamroq nazar soladi va yozuvchini yo'nalishida qoladi. Ushbu ikki yo'nalish bir-biridan juda farqli. Shu sababli ham, ikkisining nomutanosib qorishmasi ma'noning yo'qotilishiga olib kelishi mumkin.

Huddi shu ikki yo'nalish madaniyatga aloqador so'zlarni tarjimasida qo'llanilib kelinmoqda.

1) **Ekzotikatsiya (foreignization)** - bu yo'nalish tarjima qilinayotgan tilda so'zlashuvchilarning madaniyat rang-barangligi va atmosferasini saqlab qolishni anglatadi. Bundan tashqari, tarjima qilinayotgan konsept manba tilda mavjud bo'lmagan sharoitida va tarjima imkonsiz bo'lganida ham shu yo'nalishdan foydalaniladi. Aniqlashtirish uchun, Jorj Oruellning "1984" asariga murojaat qilsak ( tarjimon: Karim Bahriyev):

*"If there is hope, wrote Winston, it lies in the **proles.**"*

Tarjima: *"Agar umid bo'lsa,- deb yozadi Uinston, - umid **prollarda** bo'ladi."*

**"Prole"** – ishchi sinfga mansub bo'lganlarni anglatadigan, biroz negativ ma'noga ega bo'lgan so'z.

Boshqa tarafdan olib qaraganda, ushbu yo'nalish oson bo'lishiga qaramasdan, asarni anglanish darajasini tushirib yuborishi mumkin.

2) **Domestikatsiya (familiarization)-** bu yo'nalish esa eng aniq tarjima jarayoni hisoblanib, madaniyat aspektlariga emas ma'noga e'tiborini qaratadi.

Yana Oruellga qaytamiz:

*"…and given posts which were in fact **sinecures** but…"*

Tarjima: *"..va **nomi juda ulug'- suprasi quruq** lavozimlarga tayinlandilar."*

**"sinecure"**- ko'p ishlash talab qilinmaydigan ammo pul to'lanadigan kasblarga nisbatan ishlatildigan so'z.

Bu tarjima turi tarjimondan ko'proq so'zni ishlatishni talab qilsada, o'quvchilarga asarni maksimal darajada tushunish imkonini beradi.

**Tabu** so'zlar ham madaniyatga oid so'zlar hisoblanadi. Tabu so'zlar- urf-odatlar yoki diniy aqidalarga amal qilgan holda ma'lum so'zlarni ishlatmaslik (Oksford lug'ati, 2000). Deyarli har bir tilda bunday so'zlarni uchratishimiz mumkin, lekin bir millatga tabu hisoblangan so'z boshqa tillarda oddiy hol hisoblanishi mumkin. Ularni tarjimasiga kelganda, tarjimon ham L1 ham L2 ning madaniyatidan habardor bo'lishi lozim. Quyida tabu so'zlarni tarjimasiga oid bir nechta metodlar berilgan:

1. **Senzura** ( olib tashlash)- tabuni tarjima qilishning birinchi va eng oson yo'li uni tashlab ketish.

Masalan: "*…she felt in the pocket of her **overalls** and produced a small slab of chocolate"* (Ourell)

Tarjima: *"...nimadir esiga tushgandek cho'ntagini kovlab, kichkina shokolad chiqardi."* (overalls- ich kiyim. Tarjima jarayonida olib tashlangan.)

Lekin bu yo'l doim ham ma'qullanavermaydi. Chunki, ba'zi hollarda aynan tabu so'z asarning ma'nosiga ta'siri kuchli so'z bo'lishi mumkin va uning olib tashlanishi asar ma'nosiga putur yetkazishi mumkin.

2. **Tabuni tabu bilan ifodalash.** Agar tarjimon yozuvchi xohlagan emotsiyalarni o'quvchiga yetkazmoqchi bo'lsa bu yo'ldan foydalanishi mumkin.

*"...there came forth a smell of **urine,** sawdust and sour beer."* (Oruell)

*"...ko'chaga **siydik,** qirindi, va achimsiq pivoning hidi anqirdi."*

Garchi bu yo'l ham oson tuyulsada, ba'zida o'quvchiga uyatli tuyulishi mumkin.

3. **Efimizmdan foydalanish**. Grek tilidan olingan bu so'zning ma'nosi "yaxshi, to'g'ri gapirish" (eu- yaxshi, to'g'ri; phem-gapirmoq) degan ma'noni anglatadi.

Boshqacha qilib aytganda, yoqimsiz yoki, qo'pol so'zlarni boshqa qo'pol bo'lmagan so'zlarga almashtirish jarayoniga efimizm deyiladi. Efimizm sodir bo'lishi mumkin bo'lgan dilxiralikdan o'quvchilarni himoya qilish (Linfoot-ham 2005).

*"**Promiscuity** went unpunished, divorce was permitted."* (Oruell)

*"Ular **zino** uchun jazolanmaydi, oilaviy ajralishlarga ruxsat berilgan."*

**Promiscuity**- ko'pchilik bilan jinsiy aloqada bo'lish va bundan hazar qilmaslik.

**Hulosa**

Madaniyat tarjimaning ajralmas qismi sifatida qaralishi kerak. Tarjimonning madaniyatlar borasidagi bilimlarining yetishmasligi u tarjima qilgan asarning o'quvchilar tarafidan tushunilish darajasiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Shu sababli, tarjimaning asosiy maqsadi L2ni rivojlantirish ham lingvistik tarafdan ham madaniyat borasida. Har bir til o'z madaniyatini aks ettirishini hisobga olsak, tarjima jarayonida albatta madaniyatlar to'qnashuvi yuz beradi. Bunga qaramay, tarjimon ikki til orasida balans hosil qiluvchi vositachi bo'lishi maqsadga muvofiq. U bu vazifani muallifni o'quvchi yoniga "olib kelish" orqali (familiarization) yoki o'quvchini muallif yoniga "olib borish" (foreignization) bilan uddasidan chiqadi.

Yuqorida aytilganidek, tarjimon madaniyatga oid so'zlarni, agar tarjimon ularni o'quvchi uchun tushunarsiz ekanligini bilsa, almashtirishi yoki yuqoridagi usullardan foydalanishi mumkin. Biroq, bu tavakkalchilik va tarjimada o'tib bo'lmaydigan chegarallar bor. Ushbu chegaralar ayniqsa, asar mazmunini belgilab beruvchi madaniyatga oid so'zlarga duch kelganimizda yaqqol ko'rinadi. Tarjimonning vazifasi ikki til o'rtasidagi vositachilik ekan, u yuqoridagi usullar orasidagi garmoniyani topa olishi kerak. Bunga erishganida esa, u mas'uliyatini muvaffaqiyat bilan bajargan bo'ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. James K: "Cultural implications for translation" 2005
2. J.C.Catford: "A linguistic theory of translation" 1965
3. Jorj Oruell: "1984" 2010
4. Larson M: "Meaning- based translation: a guide to Cross-language equivalence"
5. Oksford dictionary: 2000
6. Peter Newmark: "A textbook of translation" 1988
7. Roger T. Bell: "Translation and translating: Theory and practice"

# «ЖӘҲАНША» ДӘСТАНЫНЫҢ ТИЛ ӨЗГЕШЕЛИГИН ҮЙРЕНИЎ ЗӘРҮРЛИГИ

**Узақбергенов Саламат Парахатович**
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Лингвистика қорақалпоқ тили мутахассислиги
2-босқич магистранти
Телефон:+998(97) 500 44 07
salamatuzaqbergenov028@gmail.com

**Аннотация**: Бул тезисте «Жәҳанша» дәстанының қарақалпақ дәстанлары арасында жанрлық, идея-тематикалық, көркемлик өзгешелиги, баянлаў стили, тили бойынша айрықшалыққа ийе екенлиги ҳәм “Жәҳанша” дәстанының тиллик өзгешелиги ҳаққында жазылған.

**Калит сўзлар:** Сөзлик фонды, миллеттиң материаллық ҳәм руўхый мәденияты, лексикология

М.Сейтниязов тәрепинен 1956-жылы Қурбанбай жыраў Тәжибаевтан жазып алынған «Жәҳанша» дәстаны қарақалпақ дәстанлары арасында жанрлық, идея-тематикалық, көркемлик өзгешелиги, баянлаў стили, тили бойынша айрықшалыққа ийе дәстан болып есапланады. Бүгинги күнде дәстанның қолжазбасы ӨзР ИА Қарақалпақстан бөлиминиң Фундаменталь китапханасының Қолжазбалар бөлиминде сақланып келмекте [2]. Қолжазба кирилл графикасында жазып алынған болып, улыўма көлеми 8000 аслам қосық қатарынан ибарат.

